Миллатлараро муносабатлар муаммолари

# ТОТУВЛИКДАН АФЗАЛРОҚ ЙЎЛ ЙЎҚ

(Давоми. Боши рўзноманинг 237-сонида).

ЖУМЛАДАН, барча даражалардаги депутатлар корпусига бўлган кейинги сайлов натижалари бундай ёндошувнинг асосли эканлигини тасдиқлайди. Уларда миллий вакилларнинг сони энг аввало, нисбатан кам сонли, баъзи ҳолларда эса туб халқлар ҳисобига анча қисқарди. Ишчилар, деҳқонлар, хотин-қизлар, ёшларнинг ҳокимият идораларидаги иштироки ҳам кўнгилдагидек эмас, бу нарса ҳам миллий жиҳатдан салбий тусга кирди. Миллий манфаатлар камситилганлиги яққол кўриниб турибди. Чунончи, 1989 йилнинг мартида СССР халқ депутатлигига сайланган 2249 киши орасида атиги 65 миллат вакиллари борлиги маълум бўлди. КПСС анжумани ҳам шундай салбий тамойилни намоён этди. Агар XXVII съезд билан XIX партия конференциясида 72 миллат ва элат вакиллари қатнашган бўлсалар, XXVIII съездда гарчи КПССнинг миллий таркиби 1990 йилнинг 1 январида икки баравардан ҳам ортганлигига қарамай, 63 миллат ва элат вакиллари иштирок этдилар.

КПСС жумҳуриятлар мустақиллиги принципларини амалга ошириш ўзида барча фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мужассам этиши, турли миллат кишиларининг бошқарувда, партия, совет, давлат идораларидаги фаолиятда қатнашишига кафолат бериши ҳамда бу ишни таъминлаши, миллий жиҳатдан камчиликни ташкил этадиган ва кам сонли халқларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини таъминлай оладиган маданий мухториятнинг ўзини ўзи бошқарув шакллари ҳамда дастурларини рағбатлантириш учун сиёсий усуллар ва қонун чиқариш ташаббусидан фойдаланишни режалаштирди.

Шу ҳақда гап кетганида, кўпинча, камчиликнинг ҳуқуқлари ҳақида гўёки кўп гапирилаяпти, наҳотки турли миллатлардан ташкил топган кўпчилик ҳал қилувчи бўғин бўлмаса, деган эътирозлар айтилмоқда, ҳатто КПСС Уставини далил сифатида келтирмоқдалар: Уставда камчилик кўпчиликка бўйсуниши талаб этилганку, ахир?

Масаланинг бундай қўйилишида, юмшоқроқ айтганда, урғу берилиши керак бўлган фикрлар қоришиб кетган ва воқеалар хилма-хиллиги ҳисобга олинмаган. Миллий камчилик ижтимоий воқелик сифатида тарихан жуда узоқ даврларда — халқларнинг доимо кўчиб юриши, босқинчилик урушлари, ҳудудларни бўлиб олиш, турли давлатларнинг парчаланиб кетиши ва пайдо бўлиши натижасида юзага келган.

ССР Иттифоқининг муайян тарихий шароитларида миллий камчиликнинг ташкил топиши ва мустаҳкамланишига маълум сабаблар (урушлар, хавфли жойлардан кўчиришлар, табиий офатлар, интеграцион жараёнлар таъсири, нуфус ўзгаришлари, аҳолининг кўчиш жараёнидаги бузилишлар ва шу кабилар), шунингдек, нохолис (бутун халқларни кўчириб юбориш, ишлаб чиқариш ишларини жойлаштиришдаги қўпол хатолар, бир минтақадан бошқа минтақага ишчилар, инженер-техник ходимларни оммавий равишда кўчириш, миллий кадрларни тайёрлашдаги нуқсонлар ва бошқалар) сабаблар кўмаклашди.

Мамлакатнинг ҳозирги ниҳоятда ранг-баранг этник тузилиши ўтмишдаги бутун ривожимизнинг натижаси бўлди, бизга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъи назар муайян воқеликка айланди.

Ҳозирги шароитда ҳар бир жумҳуриятда кўп миллатлилик шароитида миллатлараро нифоққа йўл қўймаган ҳолда инсонлар қандай қилиб яхшилик, тотувлик билан яшашлари мумкин?

Бунинг учун кимларгадир уни барча ғайри миллатлардан «тозалаш» керакдек туюлаётгандир. Бунда қўлланилаётган зўравонликнинг баъзи шакллари ва усуллари халқларни бадавийлар даврига итқитиб юборади.

Асрлар мобайнида шаклланган умуминсоний ахлоқий нормаларга риоя қилиб, юзага келаётган муаммоларни тинч-тотувлик асосида, демократик йўл билан ҳал этиб, миллатидан қатъи назар ҳар бир кишига ўзаро ҳурмат бажо келтириб, бунда, табиийки, тарихан кўпминг йилликлар мобайнида шу ерда яшаб келаётган у ёки бу халқнинг муайян миллий, этник манфаатларини ҳисобга олиб яшаган афзалроқ.

Ҳар қандай ҳудудий бирлик, миллий-давлат тузилиши, боз устига мустақил сиёсий тузум — ўзини инсонпарвар, демократик, маданиятли деб эълон этаётган Иттифоқдош ёки мухтор жумҳурият бундай ҳолда амалга оширилиши миллатга боғлиқ бўлмаган инсон ҳуқуқлари инкор этилишига ёки эътиборсиз қолдирилишига йўл қўйиши мумкин эмас. Агар бундай мажбурият унинг Конституциясида қайд этилган бўлса (акс ҳолда у қанақасига замонавий давлат бўлади?), унда, равшанки, бу нарса амалиётда ўз аксини топиши ва ҳар бир фуқаро ўз миллий дунёқарашини эркин ифодалашига кўмаклашиш керак.

Кўп миллатли давлатда демократик шарт-шароитлар ва кафолатлар бўлмаса, миллий камчилик у ҳолда ҳам ёки бу ҳолда ҳам кўпчиликка қарам бўлиб қоладиган вазият вужудга келади. Барча учун ижтимоий адолатни таъминлаш — ҳал этилиши ниҳоятда қийин бўлган вазифа. Бинобарин, бирорта жамият чеккага чиқиб қолган одамлар бўлар экан, ўзини дадил ҳис эта олармикан?

Миллий камчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — коммунистлар миллий сиёсатидаги асосий принципиал йўлдир. «Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган ёки СССР ҳудудида уларга эга бўлмаган СССР фуқароларининг эркин миллий ривожланиши тўғрисида» СССР Олий Совети яқинда қабул қилган қонунда унинг зарур ҳуқуқий негизи яратиб берилди.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ ва Хельсинки битимлари қоидаларига тегишли талабларни бажариш учун аниқ-равшан ҳуқуқий омил ишлаб чиқилди, ҳудудида миллий камчиликлар бўлган давлат шу камчиликнинг қонун олдидаги тенг ҳуқуқини ҳурмат қилиши, уларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлардан амалда фойдаланиш учун тўла имконият бериши, бу соҳадаги қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари керак.

Миллий тилларни ҳимоя қилиш, шу жумладан уларни давлат тили деб эълон этиш, ўзига хос маданий-этник хусусиятларни ҳамда миллий-маънавий бойликларни, турмуш тарзининг ўзига хослигини, миллий-давлат қурилиши нуфус тузилмасини ҳимоя қилиш борасида жойларда қабул қилинаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш зарур. Лекин, буларнинг ҳаммаси бошқа миллат фуқароларининг манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши маълум. Бир ерда ғуж бўлиб яшайдиган миллий гуруҳларга ўз жамоат ташкилотлари, тузилмаларини, диний ва бошқа шунга ўхшаш уюшмаларини, миллий-маданий жамиятлар, бирлашмаларни тузиш, маданий ва ахборот идораларига, мактаблар, диний муассасаларга эга бўлиш имкониятини яратиш керак.

Умуман мамлакатда сиёсий жараёнларнинг зиддиятли ривожланиши ҳозирги вақтда миллий тотувликка эришиш учун янги ҳуқуқий асос зарурлигини кўрсатди. Федерацияни янги мазмун билан тўлдириш ҳақида мавҳум гаплар давом этаётганида, мамлакат конфедерация вазиятига яқинлашиб қолди; жумҳуриятлар СССР асосий қонунининг кўпгина принципиал қоидаларини тан олмаяптилар ва эътиборсиз қолдирмоқдалар. Ҳозирги вақтда мисли кўрилмаган конституция танглиги юзага келди ва у чуқурлашиб бормоқда. Мамлакатимиз халқлари тақдири шунингдек халқаро аҳволнинг барқарорлиги Совет давлатининг яхлитлигига бевосита боғлиқ. Жамиятимизда ана шу яхлитлик хавф остида қолганлигидан ташвиш кучайиб бормоқда.

XXVIII съезд ўта марказлашган давлатни халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва кўнгилли бирлашишига асосланган иттифоқ давлатига айлантиришни ёқлаб чиқди. Энг аввало одамларнинг қайси миллатга мансублигидан қатъи назар улар ҳуқуқи ва эркинлиги, тенг ҳуқуқлилиги ва фаровонлиги иттифоқ муносабатларига асос қилиб олиниши керак.

Шу муносабат билан шартноманинг партия ишлаб чиққан лойиҳасини коммунистлар, мамлакат меҳнаткашлари муҳокамасига қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Кейин эса уни қонун чиқариш ташаббуси тариқасида барча даражалардаги депутатлар корпуси муҳокамасига тақдим этиш, шу асосда янги шартнома юзасидан олиб борилаётган музокараларга қаттиқ таъсир кўрсатиш мумкин бўлур эди.

Шартнома устида иш олиб бориш чоғида «Халқлар иттифоқи», «Жумҳуриятлар иттифоқи», «Мустақил давлатлар иттифоқи», «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги» сингари кейинги вақтда бир маъноли атама сифатида тез-тез ва нотўғри фойдаланилаётган тушунчаларни аниқ тушуниб олиш талаб этилади. КПСС XXVIII съезди материалларида бу атамалар вақти-вақти билан, гарчи улар орасида маъно жиҳатидан принципиал ва сиёсий тафовутлар анча кўп бўлишига қарамай, маънодош сўзлар тариқасида ишлатилмоқда.

Бу гаплар «Федерация» ва «Конфедерация» атамаларига ҳам тегишлидир. Матбуотда айтилаётган таърифлар ранг-баранг бўлишига қарамай, энг муҳим нарсани унутиш ва чалғитиш керак эмас, назаримда: федерация ҳар қандай шакл ва усулларда ҳам бирлик бўлиб, унинг доирасида барча тан олган асосий қонун амал қилади. Умумий федерал ҳуқуқ доирасида қонунлар хилма-хиллиги ва янгиликларга йўл қўйиш мумкин. Конфедерация деярли чекланмаган мустақилликка эга бўлган давлатлар ҳамжамияти бўлиб, у жаҳон амалиёти кўрсатаётганидек тавсия тусига эга бўлган халқаро ҳуқуқ асосидаги ниҳоятда хилма-хил ва кенг алоқалар олиб борувчи давлатлар, ҳамжамиятидир. Жаҳонда нима сабабдан фақат конфедератив тузилмалар йўқлигининг сабаби ҳам шундадир. Улар, тарихдан маълум бўлишича, одатда парчаланиб кетганлар ёки федерацияга айланганлар.

Менинг назаримда конфедерацияга секин ва тинч йўл билан ўтиш тўғрисида хаёл суриш асоссиздир. Ҳатто ҳали ташкил топмаган федерация тадрижий ривожланишнинг бундай шаклига кирганида ҳам жумҳуриятларнинг ўтмишдаги муносабатларини, бир-бирлари орасидаги моддий қарзларни, талаб ва шикоятларни иттифоқнинг барча бойликлари ва мулкини қандай тақсимлашни «аниқлаш» масалаларида ушбу жараён айниқса мураккаб ва оғир кечади. Лекин ниҳоятда нохуш бу ишларда СССРнинг бугунги кундаги барча субъектлари давлат нуқтаи назаридан ишларни муайян ҳуқуқий асосда олиб боришлари, ҳозирча муштарак, биргаликдаги меҳнат билан қўлга киритилган қадриятларни бир томонлама эгаллаб олмай, халқлар ўртасида янги қон тўкилишига олиб келмай иш юритиш учун етарли даражада донолик ва сабр-қаноат кўрсатишлари керак.

Мустақиллик тўғрисидаги масала туб масалага айланди. Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар ўзлари эълон қилган сиёсий декларацияларга қараганда, улар ўз ҳудудларида мутлақо мустақилликка эришиш ниятидадирлар. Агар бу жумҳуриятлар улар янги иттифоқ тузишга, унга киришга рози бўлсалар, онгли ва кўнгилли равишда кўп соҳаларда умумий ҳуқуқий нормаларга бўйсуниб, ўз мустақилликларини чеклашларига тўғри келади. Бошқа томондан эса, федерал даражада қабул қилинган қонунларнинг устунлигини сақлаш ҳуқуқсиз кучли иттифоқ бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Томонлар унинг нормал ишлаши ҳамда очиғини айтадиган бўлсак, у нима мақсадда тузилаётган бўлса ана шу мақсадни оқлаши хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини тушунишлари керак. Ўзаро муносабатлар принциплари ва руҳини, иттифоқ ва унинг субъектлари мустақиллигининг нисбатларини аниқ белгилаш иттифоқ шартномасининг асосини ташкил этиши лозим.

Унда, жумладан, жорий этилаётган бозорнинг миллий муносабатларга бутун таъсир доираси акс этиши зарур. Бундан мақсад дастлабки босқичда бу соҳадаги зиддиятларнинг кескинлашувидан ва марказдан қочма тамойилларнинг зўрайишидан асралишдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғидаги дастлабки шарт-шароитнинг тенг эмаслиги анча яхши ва кам ривожланган минтақалар ўртасидаги тафовутни янада кучайтиради. Иқтисодий шароит чуқурлашиб бораётган шароитда жумҳуриятлар ва халқларнинг тенг эмаслиги миллатлараро зиддиятларни авж олдириши мумкин. Юзага келган вазиятда, энг аввало болалар, кўп болали оилалар, пенсионерлар, аҳолининг барча меҳнатга лаёқатсиз қисмини ижтимоий жиҳатдан муайян ҳимоя қилиш иттифоқ шартномасида белгилаб қўйилиши ва унга кафолат берилиши керак бўлур эди.

Умумиттифоқ бозорини вужудга келтириш — интеграция жараёнларини рағбатлантиради, минтақалараро амалий алоқалар ва муносабатларни ривожлантиради. Бундай шароитда жумҳуриятларнинг ўзларини барча зарур моллар ва маҳсулотлар билан таъминлашга уринишлари иқтисодий жиҳатдан самарали, амалий жиҳатдан асосли ва мақсадга мувофиқ бўлаолармикан? Бу ғоянинг амалга ошмаслигини оддийгина бир мисол билан исботлаш мумкин. Ҳамма ерда ҳам зарур ресурслар йўқ ва фақат муайян минтақаларда хом ашё ва маҳсулотнинг аниқ турларини ишлаб чиқарадилар ҳамда етиштирадилар. Шу сабабли минтақалар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳаммага фойдалидир.

Хуллас, СССРни бирлашган давлатдан халқлар ҳамдўстлиги давлатига айлантириш — кўп оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ниҳоятда мураккаб ва жуда хавфли тарихий жараёндир. Бу жараён ҳеч вақт тез кечиши мумкин эмас: гап юз миллионлаб кишилар, неча ўнлаб халқларнинг тақдири ва уларнинг тарихан танлайдиган йўли хусусида бормоқда. Ушбу жараённи тезлаштиришга заррача уриниш ўйланмаган, нохолис жиҳатлар пайдо бўлади, мамлакатдаги сиёсий вазиятни оғирлаштиради, холос.

Бундай улкан мамлакатда миллий ҳаёт ҳар қандай қарорлар ёки ҳужжатлардан ҳамма вақт устун турган. Бу эса, муайян жараёнларга синчковлик ва диққат-эътибор билан қарашга мажбур этади. Ҳаётий ўзгаришлар турли-туман нохолис, асосан бир томонлама ҳолатлар домига тушиб қоладиган, ана шундан келиб чиқадиган барча оқибатларни, ундан келиб чиқадиган хавф-хатарни унутмаслик керак.

Қандайдир хулосалар қилар эканмиз, кўпмиллатли ҳамжамиятимизнинг ноёб бойлигини ҳали яхши тасаввур қилолмаймиз. Унга ҳар бир халқнинг хилма-хил, жуда бой ижтимоий-тарихий тажрибаси, хом ашё ресурслари, жуғрофий афзалликлари билан боғлиқ жуда катта имкониятлари уйғунлашган. Айни вақтда асрлар мобайнида юзага келган тарихий маданият, анъаналар, миллий жамоаларнинг турмуш тарзи, шунингдек, жаҳон динининг тарихий хилларидан ташкил топган шароитда ижтимоий турмушни ривожлантиришнинг бутун мураккаблиги ҳам шунга киради.

Умуминсоний қадриятларга даҳлдор миллий сиёсат, янгиланаётган иттифоқ доирасидаги миллий жамоаларнинг ижтимоий ва этник тараққиёти — халқларни бирлаштириш, уларнинг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари ва манфаатларини аниқлаш, улар ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришнинг муҳим омилидир. Чаққонлик билан иш юритиш ва жўшқинлик унинг муҳим фазилатлари бўлиши лозим. Бу соҳада энг мақбул сиёсий йўлни ишлаб чиқишнинг мураккаблиги шундаки, турмушда соф «миллий» муносабатларни аниқлаш жуда мушкул. Аслида эса, улар бутун ижтимоий алоқалар ва тамойилларни ўзида жамлаб, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий муаммоларга миллий пардоз беради, у халқларнинг онги ва руҳиятига ўзига хос равишда сингиб боради ва акс этади. Шу муносабат билан миллий, байналмилал ва умуминсоний қадриятлар нисбатини ҳамда уларнинг партия сиёсатида, миллий ва диний, миллий ва миллатчиликнинг уйғунлашиши муносабатида акс этишини янада чуқурроқ мушоҳада қилишга тўғри келади. Жуда мураккаб тарихий ҳодиса сифатида «миллатни» тўкис-тугал таҳлил этиш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва тегишли илмий хулосалар чиқариш зарур.

Маънавий, иқтисодий, миллий муносабатлар соҳасини жиддий ишлаб чиқиш зарур бўлади. Амалий ишларда миллатнинг ўзига хос руҳияти ва онгини, омма онгидаги мантиқан нотўғри фикрлашлар, миллий онг таъсири, шахс, гуруҳнинг миллатлараро можаролардаги хулқини яхши билмаслик натижасида амалий ишларда катта хатоларга йўл қўйилмоқда. Миллий жараёнларни олдиндан аниқлаш масалаларига эътибор бериш зарур. Турли фикрлар ва нуқтаи-назарларни кенг умумлаштириш ҳамда таққослаш натижасидагина миллатлараро муносабатлар соҳасидаги жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий, давлат-ҳуқуқ, маданий-мафкуравий муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш мумкин.

Амалда кўз илғай олмайдиган бепоён ерларда яшаётган миллатлар ва элатларнинг шу қадар кўпчилиги биргаликда тинч-тотув яшашга эришиши — бу янги қийинчиликлар, муаммолар ва зиддиятлар муқаррар бўлган ва ҳал этилиши талаб қилинадиган доимий жараёндир.

КПСС XXVIII съездининг кўпмиллатли жамиятни бирлаштириш учун асос яратадиган қарорлари кўп жиҳатдан муқобили йўқ қарорлардир. Лекин улар ҳозирча яхши ғоя, эзгу-умид бўлиб қолмоқда холос. Бундай қарорлар тарихимизда кўп бўлган. Шу боисдан коммунистларни: бу қарорлар амалий ишларга айланадими, миллион-миллион кишиларнинг жасоратига, кўзлаган йўлига айланадими? — деган асосий савол ташвишга солмоқда. Бу гал бунёдкор кучга айланиш учун ана шу режалар қунт билан рўёбга чиқариладими? Акс ҳолда демократик социализм ва коммунистлар партиясининг келажаги ҳақиқатан ҳам бўлармикин, унга ишонишармикин?

**С. САИДҚОСИМОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**

---

*Хориждан хабарлар*

## Юз марта эшитгандан...

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Бу пур маъно ибора СССР ва ГФР ёшлари ўртасида делегациялар айирбошлаш қай даражада кенгаётганлигини ифодалайди ва унга шиор сифатида хизмат қилиши мумкин. Шу кунларда Совет Иттифоқининг турли жумҳуриятларидан 500 йигит ва қиздан иборат иккита гуруҳ федерал ҳукумат таклифига биноан Ганноверга келди. 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган йигит ва қизлар икки мамлакат ўртасида ёшларни ўзаро юбориб туриш дастурига мувофиқ ГФРда икки ҳафта бўладилар.

ГФР канцлери Гельмут Коль ўзининг 1988 йилда Москвага қилган ташрифи чоғида бундай айирбошлашни йўлга қўйиш юзасидан ташаббус кўрсатган эди. Ундан кейинги йилда эса М. С. Горбачевнинг Федератив жумҳуриятга ташрифи чоғида Бонн шаҳрида тегишли битим имзоланганди. 1989 йилнинг октябрида мамлакатимиздан 500 нафар йигит ва қиз Ғарбий Германиянинг жанубий районларида бўлди. Бу гал Совет Иттифоқидан келган ёш меҳмонлар 10—15 кишилик гуруҳларга бўлиниб Ганновердан мамлакатнинг шимол ва ғарбидаги турли шаҳар ва районларга жўнаб кетишди. Улар немис хонадонларида яшашади, маҳаллий ёшлар билан, уларнинг турмуши билан танишишади, биргаликда сафарларга чиқишади, саёҳатлар қилишади.

Маҳаллий маъмурлар улар учун шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш назарда тутилган ажойиб режаларни, маданий ва дам олиш тадбирларини тайёрлаб қўйдилар. Йигитларимизнинг кўпчилиги у ёки бу даражада немис тилини, бошқалари эса инглиз тилини билади. Бу уй эгалари билан шахсий алоқалар ўрнатишга ёрдам беради. Кимда-ким бундай билимга эга бўлмаса, таржимонларнинг хизматидан фойдаланиши мумкин.

ГФР ташқи ишлар вазирлиги пул билан таъминлаётган сафар дастури уч йилга мўлжалланган. Бу эса келаси йили совет ёшларининг 500 кишидан иборат яна бир гуруҳи Германияга келади, деган маънони билдиради. Немис томонининг фикрига кўра, ушбу дастур совет—герман ёшлар делегацияларини бундан буён ҳам юбориб туришга кучли туртки бўлиши, шунингдек икки мамлакат шаҳарлари ўртасида шерикчилик алоқаларини ўрнатишга ёрдам бериши керак.

Бундай алмашувлардан кузатилган асосий мақсад, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда ГФР ташқи ишлар вазирлиги маданият бўлимининг вакили Юрген Кригхоф, икки ўртадаги ўзаро бидъатларни бартараф этишга ва шахсий таассуротлар асосида ўз мулоҳазаларимизни шакллантиришга кўмаклашишдан иборат. Бундан ташқари совет меҳмонларининг аввалги сафар тажрибасидан биламизки, улар ўшанда ўрнатган алоқалар кейин давом эттирилди. Биз ҳозирги сафар қатнашчилари ҳам немис тенгдошлари билан мустаҳкам алоқа боғлашларига ишонамиз. Ёшларни ўзаро юбориб туриш, деб таъкидлади у, умумий Европа хонадонимизни бунёд этишга шубҳасиз ўз ҳиссасини қўшади.




**«Робин Вуд» деб номланган табиатни муҳофаза қилувчилар жамияти ГФРда атроф-муҳитнинг булғанишига қарши норозилик сифатида турли-туман тадбирларни амалга оширмоқда. Мазкур жамият инсоният олдида кўндаланг турган экологик омон қолиш масаласига ниҳоятда жиддий қарашга даъват этади.**

**СУРАТДА: ана шу гуруҳ фаоллари Мюнхендаги автомобиль йўли узра шиор ўрнатишмоқда. Шиорда ҳаво ғоят даражада булғанган пайтларда ҳайдовчилардан моторни ўчириб қўйиш талаб қилинади.**

**ДПА — ТАСС** сурати.

## Италияда болалар сотилмоқда

⊙ РИМ. Италияда ниҳоятда кенгайиб кетган жиноий ташкилот иш кўрмоқда. Бу ташкилот Бразилия ва Сальвадордан ғайриқонуний тарзда олиб келинган болаларни Апеннин оролларида сотмоқда ва Европанинг бошқа мамлакатларига юбормоқда. Италия полицияси тергов чоғида ана шундай хулосага келди. Полициянинг маълумотларига кўра, ана шу гуруҳнинг бир учи италиялик собиқ руҳоний Лук Ди Нуцциога бориб тақалади. Ҳозирги вақтда болаларни ўғирлаганликда айбланган ана шу руҳоний устидан суд бўлмоқда.

Полициянинг маълумотларига кўра, Италияда Лук Ди Нуццио билан алоқа боғлаган қарийб тўртта воситачи «бошқарма» иш кўрмоқда. Булардан бири Неаполь яқинидаги Казерта шаҳрида ана шу собиқ руҳонийнинг уйида жойлашган. Бироқ ҳозирча жиноятчиларнинг номлари маълум қилинмаяпти ва уларни ҳеч ким қамоққа олмаган. Фақат уч кишигина Римда ушланган. Айни вақтда полициянинг тасдиқлашича, Жанубий Америкадан болаларни танлаш ва сотиб юбориш билан шуғулланаётган кишиларнинг дўстлари ва яқин қариндошлари ҳам шу гуруҳга киради.

Европа мамлакатларида ва Исроилда фарзандсиз оилалар битта бола учун тахминан 18 минг доллар тўлашларига тўғри келади. Италия, Швейцария ва Германиядаги бефарзанд эр-хотинлар баъзида Бразилияга бориб, ўзларига ёққан гўдакни шу жойнинг ўзида танлаб оладилар.

Италия маъмурларининг тахмин қилишларича Апеннин оролларида яқинда қўлга туширилган жиноий гуруҳнинг ташкил топишига Неаполитаннинг Каморра мафияси ҳам дахлдор бўлиши мумкин.

*Хориждан хабарлар*

---



## Илмий ғояларга йўлланма

**Ёшларнинг «Шарқ» илмий-техника ижоди маркази ўзининг икки йиллик фаолияти давомида фан-техника муаммоларининг самарали ва андозасиз ечимига қаратилган турли-туман ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан уч юздан зиёд шартномаларни бажарди. Бу — фаолиятнинг янги ташкилий-иқтисодий кўринишларини олим ва мутахассисларнинг куч-ғайрати ва ташаббускорлиги билан уйғунлаштирувчи хўжалик ҳисобидаги давлат фирмасидир. Ҳозирги вақтда ёшларнинг «Шарқ» илмий-техника ижоди маркази билан икки мингдан зиёд олим ва мутахассислар ҳамкорлик қилишяпти.**

**СУРАТДА: (чапдан ўнгга) мавзу раҳбари А. Бирюков, илмий раҳбар М. Карелин, ёшларнинг «Шарқ» илмий-техника ижоди маркази директорининг ўринбосари О. Литвак ва мутахассис, ижодий жамоа аъзоси Р. Пипченко.**

А. Горокрик (ЎзТАГ) сурати.

